*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
11 март
ЧОРШАНБА
№ 19 (12759)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 700 000 (етти юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 6 март.



## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК МУШТАРАК

**Вилоят ногиронларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази Кексаларни эъзозлаш йилида ногиронларни, шунингдек, ўзгалар кўмагига муҳтож ёлғиз қарияларга мурувват кўрсатиш тадбирларини кучайтирмоқда.**

Хусусан, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан Зангиота тумани, Келес шаҳарчаси, Қирариқ қишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ёлғиз қариялар, ётиб қолган беморлар ва ўзгалар кўмагига муҳтож ногиронлар хонадонига ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олишди ва байрам совғалари улашишди. Юз ёшдан ошган онахонга "Камолот"чилар бириктирилди.

**СУРАТДА:** вилоят ногиронларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази бошқаруви раиси Юлдузхон Мирзакаримова 82 ёшли меҳнат фахрийси Умрихон ая Алимова хонадонида.

## ЭҲТИРОМ УЧУН ЯРАЛГАН АСЛИДА АЁЛ

**Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Эҳтиром ва эъзозларга сазовор аёл" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда институтнинг профессор-ўқитувчилари, тингловчилар, халқимиз суйган шоир ва санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситаси ходимлари иштирок этди.**

Тадбирда, мамлакатимизда ишбилармон ва тадбиркор аёллар сафи тобора кенгайиб бораётгани, бунда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

– Бугун таълим соҳасида фаолият юритаётган ўқитувчи-мураббийларнинг 71 фоиздан зиёдроғи хотин-қизлар, – дейди институтнинг маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректори Нилуфар Йўлдошева. – Улар ҳам ўқитувчи-тарбиячи, ҳам оқила уй бекаси, ҳам вафодор турмуш ўртоқ бўлиш баробарида, ўз касбига меҳр бериб, тинимсиз изланиш ва интилишлари боис давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Тадбир сўнгида таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган институт ходимлари ва тингловчиларнинг бир гуруҳи фахрий ёрлиқ ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, тадбир давомида Ғафур Ғулом номидаги нашриётда чоп этилган китоблар ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

**Аваз БЕКОВ.**

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**



Транспорт хизмати

**Аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш, йўловчиларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида "Зафар АТС" МЧЖ корхонаси янги-янги имконият ва қулайликларни йўлга қўймоқда.**

## ҚАТНОВИДАН АҲОЛИ МИННАТДОР

Ҳозирда 7 та йўналиш бўйича туман аҳолисига хизмат кўрсатаётган жамоа белгиланган режа ва топшириқларни ортиғи билан адо этмоқда. Корхона жамоаси янгича изланиш ва ташаббуслар билан ишлаётгани муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш қўламини янада кенгайтириш мақсадида "Агробанк"нинг Бекобод тумани бўлимидан 400 миллион сўм кредит олиб, 4 та "Isuzu" русумли автобус харид қилинди ва йўналишларга қўйилди.

– Болаларимизнинг билим юртларига қатнаб ўқишлари учун янада қулай бўлди, – дейди М. Жабборова. – Автобуслар ўз вақтида, белгиланган жадвал бўйича қатнаяпти. Бунинг учун корхона маъмуриятидан беҳад миннатдормиз.

Корхонада йўналишли автобуслардан ташқари "Дамас" ва "Нексия" русумли автомашиналар ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

– Шу йилнинг ўзида 8 та янги иш ўрни очилди, – дейди корхона раҳбари Раънохон Солиева. – Уларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир. Иш ўринларини янада кўпайтириш ниятида бир нечта лойиҳалар устида ишлаяпмиз.

**Ашурали БОЙМУРОД.**

Иқтисодиёт

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ СУРЪАТЛАРИ

**Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида бутун дунёда давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирига қарамай, мамлакатимизда иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатларига эришилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Чиндан ҳам, 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларини бирма-бир таҳлил қилиб, эришилган ютуқларга назар солар экансиз, бу ислоҳотлар, биринчи галда, ҳар бир замондошимизнинг оддий кундалик турмуш тарзида акс этаётганидан кўнглингиз равшан тортади, эртанги истиқболга ишончингиз ортади.**

Қувонарлиси, бу ислоҳотлар самараси вилоятимизда ҳам тўла-тўкис намоён бўлмоқда. Ўтган йили вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлашди, саноат жадал ривожланди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланди, истиқболли модернизация ва маҳаллийлаштириш лойиҳалари амалга оширилди, ижтимоий инфратузилмалар яхшиланди. Бу борада Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Ўтган йил вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 7,5 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7,6, қурилиш ишлари 16,8, чакана савдо айланмаси 14 фоиз ўсди. Илгари зарар кўриб ишлаган 15 корхонанинг учдан икки қисми йилни 4,8 млрд. сўм фойда билан якунлади ва экспортга 19,9 млн. долларлик маҳсулот чиқарди.

Вилоят иқтисодиётига инвестиция киритиш 3,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 16,8 фоиз ўсди. Бунда барча капитал қўйилмаларнинг 14 фоизга яқинини хорижий инвестициялар ташкил этгани айниқса, эътиборлидир. Жойларда хориж сармояси иштирокида 39 та янги корхона ташкил этилиб, улар сони 530 тага етказилди.

Давлатимиз раҳбари маърузасида қайд этилганидек, иқтисодиёт тармоқларига хориж сармоясини кенгроқ жалб этиш, инвесторларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар яратиб беришда мамлакатимиздаги йирик иқтисодий зоналар беқиёс ўрин тутмоқда. Бу борада, хусусан, "Ангрен" махсус индустриал зонасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Ўтган қисқа даврда бу ерда Жанубий Корея, Сингапур, Австрия, Британия, Болгария, Ҳиндистон каби давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда турли ўлчамдаги мис қувурлар, техник кремний, тежамкор лампалар, кўмир брикетлари ва замонавий қурилиш-пардозлаш материаллари, шунингдек, шакар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ишга туширилди.

Қиймати 166,4 миллион АҚШ долларига тенг 9 та лойиҳанинг рўёби билан 1150 дан ортиқ янги иш ўринлари юзага келди. Мазкур корхоналарда ўтган йили 200,44 миллиард сўмлик истеъмол товарлари тайёрланиб, ички ва ташқи бозорда сотилди.

– Киритиладиган инвестициялар ҳажмига қараб, корхоналарга 3 йилдан 7 йилгача муддатга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қўлланилмоқда, – дейди "Ангрен" махсус индустриал зонаси дирекцияси раҳбари Соҳиб Саифназаров. – Шунингдек, давлатимизнинг бавосита кўмаги билан уларнинг инфратузилмалари кенгайиб, коммуникацияларга кафолатли уланиши таъминланаяпти. Натижада электр техника, кимё, фармацевтика, замонавий қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби тармоқлар қатори кончилик саноатида ҳам фаол инвестицион муҳит шаклланди.



"Ангрен қувур заводи" унитар корхонаси махсус индустриал зона ҳудудида ўтган йили иш бошлаган йирик тузилмалардан бири бўлиб, йилига саккиз минг тонна турли ўлчамдаги мис қувурлар тайёрлаш қувватига эга. Айни кунда корхона маҳсулотининг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

2015 йилнинг дастлабки чораги якунигача махсус индустриал зонада 4 та истиқболли лойиҳа амалга оширилади. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун зарур маҳсулотлар тайёрланадиган бу замонавий корхоналарда қўшимча 200 га яқин иш ўрни очилади. Бундан ташқари, ҳудудда яна 6 та корхона қурилиши бошлаб юборилди. Яқин истиқболда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун шина, безакловчи керамик плита, фаянс буюмлар, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги, замонавий корхоналар бунёд этилади.

Экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш кучайтирилаётгани, экспорт тузилмаси янада диверсификацияланаётгани вилоятнинг экспорт имкониятлари кенгайишида муҳим омил бўлди. Табиийки, бунда давлатимиз раҳбари қарори асосида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўрни ва ҳиссаси катта бўлмоқда. Чунончи, жамғарманинг вилоят филиали ўтган йили 350 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига қурилиш, тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳамда туризм, транспорт, маркетинг, консалтинг хизматларини хорижга экспорт қилиши учун ташкилий, ҳуқуқий, консультатив ва молиявий ёрдам кўрсатди. Натижада чет эллик буюртмачилар билан қиймати 263,5 миллион долларлик шартномалар тузилиб, 145,9 млн. АҚШ долларилик ташқи савдо амаллари бажарилди.

Умуман, вилоятнинг ишнинг кўзини биладиган, таъбир жоиз бўлса, қилни қирқ ёрадиган тадбиркор ва фермерлари ўз маҳсулотларини дунёнинг 90 га яқин мамлакатига экспорт қилмоқдалар. Экспорт таркибида озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларидан тортиб, кийим-кечак, технологик асбоб-анжомлар, саноат тармоқлари учун мўлжалланган нодир деталлар, мураккаб маиший жиҳозларгача бор.

Вилоят бандлик дастурида белгиланган вазифалар бекаму кўст бажарилиб, 2014 йилда 87,4 минг янги иш ўрни ташкил этилди. Мазкур иш ўринларига ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг 34,3 мингдан ортиқ битирувчиси қабул қилинди.

Эътиборли жиҳати шундаки, янги иш ўринлари ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ҳар қачонгидан салмоқли бўлди. Масалан, ўтган йили ташкил этилган жами иш ўринларининг 57 мингга яқини айнан шу тармоқ ҳиссасига тўғри келди.

Ўтган йили вилоят қишлоқ хўжалигида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, тармоқ вакиллари учун яратилаётган имкониятлар доираси кенгайди. Айниқса, вилоятнинг мева-сабзавот етиштириш, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш салоҳияти ошиб бораётгани эътиборга молик. Бугун ички бозорларимизда арзон ва сифатли мева-сабзавот, полиз ва картошка, гўшт, сут каби кундалик зарур маҳсулотлар ҳар қачонгидан сероб. 2014 йилда етиштирилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,8 фоиз ўсиб, 4 триллион 667 миллиард 305 миллион сўмликдан ошди.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида тилга олинган рақам ва далиллар бугун халқимиз эришаётган улкан ютуқ ва муваффақиятларнинг вилоятимиз тимсолидаги кичик бир ифодаси, холос. Зотан, 2015 йилда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида бунданда йирик ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни кечиши шубҳасиз. Президентимизнинг юқорида тилга олинган маърузасида қайд этилганидек, эзгу мақсад-муддаоларимизнинг рўёбга чиқиши, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва тотувлик муҳитининг барқарор бўлиши барчамизга, ҳар биримизнинг ўз жойимизда бизга ишониб топширилган вазифани қай даражада масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

**Шерзод ШУҲРАТОВ.**

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ



**ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ**

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати – ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни Ислом Каримов тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра Ислом Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

2000 йили муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ислом Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

2007 йили муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

У оилали, икки фарзанди, беш нафар набираси бор. Рафиқаси Т. А. Каримова – мутахассислиги бўйича иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, айни пайтда – пенсияда.

Ислом Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони, "Мустақиллик" ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган.

Ислом Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган.

## ДАСТУР

**Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи биз танлаб олган, мамлакатимиз ва жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг "ўзбек модели" деб дунёда тан олинган мустақил, тадрижий тараққиёт йўлимизнинг нақадар тўғри ва самарали эканини ҳар томонлама исботлаб бермоқда.**

Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, асосан пахта хом ашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олиб, жар ёқасига келиб қолган, собиқ СССРда аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича энг охирги ўринда турган қашшоқ ўлкадан ҳозирги вақтда, аввало, замонавий тармоқлар ҳисобидан тез ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаётган мамлакатга айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ўзлигини англаб, ўз юрти, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт кечириш қандай бахт, қандай катта бойлик эканини чуқур тушуниб олган, мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга ошираётган оламшумул ишларимиз, мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётгани барча соҳаларда яққол намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, ўзини оқламаган эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган куч – ёшларимиз майдонга чиқаётганида бу ҳақиқатни англамоқдамиз.

Биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга, жаҳон миқёсида глобал иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 5 каррадан зиёд, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсгани, юртимиз аҳолиси шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, очиғини айтганда, бундай ютуқларни баъзан тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаётгани, ички қарзимиз, яъни аҳолимиз олдида қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани барчамизни албатта қувонтиради.

**Шу билан бирга, биз бугун шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнлари, интернет ва интеллектуал тараққиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда эришган натижаларимизга маҳлиё бўлмасдан, шу пайтга қадар босиб ўтган йўлимиз – бу олдимизда турган мураккаб ва оғир йўлнинг фақат бир қисми эканини ўзимизга аниқ тасаввур этамиз.**

Бугунги кунда бизни ўраб турган дунё қанчалик тез ўзгариб бораётгани, яқин ва узоқ атрофимизда турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари янада чуқурлашиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Албатта, буларнинг барчаси бизнинг ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва биздан жаҳонда юзага келаётган вазиятни сергаклик билан баҳолашни талаб қилади.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттириш ва чуқурлаштиришга қаратилган эътибор ва саъй-ҳаракатларимизни асло камайтирмаслик ҳақида бормоқда.

Айни шу вазият ва ҳолатларни инобатга олиб, олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалар ҳақида гапирганда: **аввало, биз учун 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа – бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.**

Бу мақсадга эришишда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, иқтисодиётимизнинг реал секторида эскирган асбоб-ускуналар ва технологик қолоқликка барҳам бериш каби принципиал масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, ислоҳотларни амалга ошириш, аввало, мулкдорлик масаласида чала-ярим ишларга йўл қўймаслик, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик усуллари қолдиқларини бутунлай бартараф этиш фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

**Иккинчидан. Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа – бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат.**

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи шу соҳага тўғри келмоқда, иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Яқин истиқболда хусусий тадбиркорлар учун ресурсларни очиқ биржа ва ярмарка савдолари орқали сотиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан хом ашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, очиқ-ошкора бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

**Хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш,** давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг давоми сифатида бу борада солиқ юкини камайтириш, қўшимча шароит ва кафолатлар яратишга янада катта аҳамият берилади.

**Учинчидан. Бугунги кунда иқтисодиётда ҳам, фаолиятимизнинг бошқа соҳаларида ҳам давлатнинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.**

Давлатнинг иштироки, авваламбор, электр энергетикаси, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси сингари давлат иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаётган, табиий монополияларга асосланган соҳаларда сақлаб қолиниши керак. Бошқача айтганда, **давлатнинг иқтисодиётимиздаги улуши иқтисодий ва стратегик асосланган даражага қадар қисқартирилиши ва бу ҳақиқий рақобат муҳитини таъминлаши, маъмурий-буйруқбозлик тизими иллатларидан халос бўлишга олиб келиши лозим.**

Шу муносабат билан хўжалик фаолиятида давлат улушини тубдан қисқартириш бўйича махсус дастур қабул қилиниб, унда самарасиз давлат корхоналарини тугатиш, жумладан, очиқ ва ошкора савдолар орқали тегишли инвестиция мажбуриятлари билан "ноль" қийматида сотиш орқали тўлиқ хусусий мулк шаклига ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик компанияларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий сармоядорлар қаторида хорижий акциядорлар ҳам акция эгалари бўладиган вақт келди. Акциядорлик жамиятларини айни шундай асосда ташкил этиш бизнинг манфаатларимизга кўпроқ мос келади.

**Тўртинчидан. Экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш – айнан шу йўналишлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо эътиборимиз марказида бўлади.**

Ана шундай долзарб вазифаларнинг барчасини комплекс ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишга киришдик. Бу дастур аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва шунингдек, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Шу борада олдимизда миқёси ва кўламига кўра қандай улкан ишлар тургани ва бунинг учун қандай катта маблағлар талаб этилишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. **Бу масалада ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни тасдиқлаб, исботлаб бермоқдаки, қишлоқ хўжалиги ҳисобидан маблағларни тежаш мутлақо ярамайди ва биз ҳеч қачон бунга йўл қўймаймиз.**

**Бешинчидан. Қишлоқ хўжалиги, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган фермерлик ҳаракати янги тарихимизда ўчмас из қолдирмоқда.**

**Замонавий фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, кенг кўламли вазифаларни бажарадиган кўптармоқли хўжаликларга айлантириш йўлини давом эттирамиз.**

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётган фермер хўжаликлари мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган қишлоқларимизнинг бугунги ва эртанги фаровонлигини янада оширишни ўз назоратига олиши зарур, деб ўйлайман.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, жумладан, энг муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ва уларни кучайтириш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар ҳақида барчамиз яхши хабардормиз.

Фақат 2015 йилнинг ўзида 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 147 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейда қарийб 400 миллиард сўм ҳажмидаги капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. 2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан, 101 та янги мактаб барпо этиш ва 810 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Тиббиёт соҳасида 2015 йилда 98 миллион доллар ҳажмидаги маблағ ҳисобидан 83 та тиббиёт муассасасини, 2020 йилгача эса – 180 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига 230 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 2015-2016 йилларда 2 миллиард 100 миллион доллар миқдоридаги 25 мингта уй-жой бунёд этиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банкининг маблағлари жалб қилиниши белгиланмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида фақат табиий газ ва электр тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 2020 йилгача 530 миллион доллар, телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш учун эса – 136 миллион доллар миқдоридаги маблағ йўналтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

**Олтинчидан. Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш – энг устувор вазифадир.**

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини босиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсатнинг ёрқин далили ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Буларнинг барчаси ҳар йили 4 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги импорт товарлар ўрнини босиш имконини бермоқда.

Ана шу стратегияни янада ривожлантириш мақсадида 2015-2019 йилларга мўлжалланган янги Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд 600 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

**Еттинчидан. Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳаммамизга яхши аён.**

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди.**

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасида кенг кўламли замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган юзлаб корхоналар, энг илғор буғ-газ ва газ турбинали технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ана шундай йирик лойиҳалар қаторига киради.

Бугунги кунда Сурғил кони базасида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилаётган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Сўнгги йилларда қарийб 2 минг километр автомобиль йўллари, хусусан, Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирадиган 1,5 минг километрлик йўл тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Темир йўл соҳасида 342 километрлик янги Навоий – Учқудуқ – Нукус – Султон Увайстоғ ва 223 километрлик Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон тармоқлари барпо этилди, 550 километрдан зиёд темир йўл линиялари электрлаштирилди. Айни пайтда Янги Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва тоғли ҳудудлар орқали ўтадиган 19 километрдан зиёд узунликдаги тоннель қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

**Саккизинчидан. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.**

Аввалambор, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобидан кейинги пайтда Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 1 миллионта иш ўрни яратилмоқда. Шунинг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани айниқса аҳамиятлидир.

**Тўққизинчидан. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.**

Сўнгги йилларда мамлакатимиз давлат бюджетининг 59-60 фоизга яқини ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоиз, реал даромадлар 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу кўрсаткич мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидаги 10,6 фоиздан 52 фоизга ошганини таъкидлаш лозим.

Халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланган энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ юртимизда 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. **Бошқача айтганда, жамиятимизнинг ўта бойлар ва ўта камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймасдан, бу борада ижтимоий барқарорлик мезони деб тан олинган даражага эришдик.**

**Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга.** Деярли ҳар бир оилада кундалик заруратга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий йўлдош орқали кўрсатадиган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхона анжомлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлар мавжуд.

Мамлакатимизда уй-жой билан таъминланиш даражаси, жон бошига ҳисоблаганда, 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга ошди. Уй-жой фондининг деярли ҳаммаси хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Аҳолининг тўлов қобилияти ва истеъмол талабининг ортиб бораётгани иш ҳақи ва пенсияларнинг истеъмол нархлари ўсишига нисбатан жадал ошишини таъминламоқда.

**Ўнинчидан. Биз барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Узоқ ва яқин атрофимизда вужудга келаётган бугунги мураккаб вазиятда айнан шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри ва энг маъқул деб биламиз.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

"Юксак маънавият – енгилмас куч" деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш, атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур англаб, аждодларимизнинг шонли анъаналарини давом эттириш, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш барчамиз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

**Ишончим комилки, фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда ўз кучига, эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам пойдеворидир.**

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш – барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

Наврўз – 2015

# ҚАДРИ БАЛАНД ҚАДРИЯТЛАР

**Халқимизнинг анъанаю урф-одатлари, миллий байрамлари асрлар оша сайқалланиб бизгача етиб келган. Истиқлол аждодлардан мерос ушбу бойликни пухта ўрганиш, уни кенг тарғиб этиш имконини берди. Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари аждодларимиздан мерос ана шундай ўлмас қадриятлардандир.**




...Бувам ҳар баҳорни кўтаринки руҳда кутиб олади. Биз, набираларини ёнига чорлаб, беғубор болалик дамларидан ҳикоя қилади. Унинг айтишича, қишнинг рутубатли кунларида зериккан болалар учун кўкламнинг келиши чинакам байрамга айланиб кетаркан.

– Қишлоғимиз четидаги қир ўйинқароқ болаларга тўлиб кетарди, – дейди бобом. – Тенгдошлар билан "Қулоқ чўзма", "Оқ суяк", "Чиллак", "Қалпоқ тепиш", "Пиёда пойга" каби ўйинларни ўйнардик. Улар нафақат жисмимизни, балки руҳимизни чиниқтириб, ҳаётда курашиб яшашга ўргатган.

Истиқлол йилларида Наврўзни муносиб нишонлаш ҳамда барча ҳудудларда байрам сайилларини ташкил этиш анъанага айланди. Наврўз айёми тансиқ таомлари, ўзига хос урф-одатлари билан ажралиб туради. Айём арафасида дошқозонларда сумалак пиширилади. Аёллар қозон атрофида лапар айтиб рақсга тушса, болалар "Бекинмачоқ", "Дурра солди", "Оқ теракми, кўк терак?", "Ким келди?", "Овоздан топ" каби миллий ўйинларни севиб ўйнайди.

Наврўз сайиллари ҳафталаб давом этиши билан аҳамиятлидир. Сайилларда кураш, тош кўтариш, арқон тортиш ўйини ва замонавий спорт турларидан мусобақалар ташкил этилади. Отчопар ва кенг адирларда уюштириладиган улоқ-кўпкари, пойга каби миллий ўйинлар томошабин кайфиятига кўтаринкилик бағишлайди.

Бугунги кунда юртимизда халқ ўйинларининг мингга яқин тури мавжуд. Улардан мамлакатимиз таълим тизимида, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда кенг фойдаланилмоқда. Халқимизнинг кураш, белбоғли кураш, улоқ-кўпкари, ўзбек жанг санъати каби миллий қадриятлари замонавий спорт тури мақомини олиб, жаҳон майдонларига чиқаётгани аждодларимиз меросининг аҳамияти беқиёслигидан далолат.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан юртимизнинг барча ҳудудида аждодларимиз заковатининг ноёб дурдонаси, халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинлари фестиваллари мунтазам ташкил этилмоқда. Наврўз байрами, сайилларда ҳам халқ ўйинлари ўтказилиб, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда.

**Фарида ИБОДОВА,**
**ЎзА мухбири.**




## БИР ЙИЛЛИК БЕҲУДА ҚИДИРУВ

**Австралия бош вазири Тони Аббот ўтган йилнинг март ойида тахминан Ҳинд уммони акваториясида ғойиб бўлган Малайзия самолёти Боингни кенг кўламдаги қидирув ишлари тўхтатилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди.**

"Биз ушбу ҳаво лайнерини қидириш ишлари муваффақиятли якунланишидан умидимизни сўндирмаймиз, – деди у федерал парламентдаги нутқида. – Бироқ, мен қидирув ишлари ҳозиргидек жадал суръат ва кенг кўламда давом этишини ваъда қилолмайман".

Австралия бош вазири ўринбосари Уоррен Трасс аввалроқ айтдики, Австралия, Малайзия ва Хитой экспертлари эндиликда қидирув ишлари яқин ойларда ҳеч қандай натижа бермаса, кейинчалик нима қилиш кераклиги масаласини муҳокама қилмоқдалар.

Маълумки, Малайзия авиалиниясига қарашли Боинг-777-200 самолёти 2014 йилнинг 7 март куни Куала-Лумпур – Пекин йўналиши бўйлаб ҳавога кўтарилгач, ҳалокатга учраган эди. Бортида 227 йўловчи ва 12 экипаж аъзоси бўлган ҳаво лайнери орадан бир йил ўтсада, ҳамон топилмади.



## БЕКАТДА ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИ

**Исроил полициясининг масъул вакили Микки Розенфельд Иерусалим трамвай бекатларидан бирида 20 ёшли террорчи автомашинани йўловчилар устига ҳайдагани ҳақида маълум қилди.**



Розенфельднинг айтишича, ушбу террорчилик ҳаракати устидан тергов олиб борилмоқда. Террорчининг ўзини полициячилар аввал ярадор қилиб, сўнг қўлга олишди. Маълумот берилишича, беш нафар Исроил фуқароси жароҳат олди. Гап шундаки, ушбу фожиа иерусалимликлар севиб нишонлайдиган энг яхши байрам арафасида содир этилди. Шаҳар ҳокими Нир Баркатнинг маълум қилишича, аввалдан белгиланган байрам тадбирлари бекор қилинмайди. "Биз террорчилар ҳаётимизга рахна солишларига йўл қўймаймиз ва уларга қарши муросасиз курашни давом эттирамиз", деди у.

## НЕТАНЬЯХУ НОМЗОДИГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК

**Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяхуни 17 март куни бўладиган парламент сайловларида ўз лавозимига қайта сайлашга қарши норозилик билдириш учун ўн минглаб кишилар Тель-Авив кўчаларига чиқдилар.**

"Исроил янгиланишларга муҳтож" шиори остида уюштирилган норозилик акцияси жараёнида Исроил ташқи разведка хизматининг собиқ бошлиғи Меир Даган асосий нотиқ вазифасини ўтади. Уни кўпчилик Нетаньяхунинг рақиби сифатида танийди. "Исроилнинг душманлари бор албатта, бироқ, мен улардан қўрқмайман. Мени чўчитадиган ягона нарса бу мамлакатимизнинг ҳозирги раҳбарияти", деди Даган.

Нетаньяху АҚШ конгрессида сўзга чиққанидан сўнг унинг ўнг "Ликуд" ҳукмрон партияси обрўси анча ошди. Бироқ, бу 17 март куни бўладиган парламент сайловларида асосий рақибларни ортда қолдириш учун етарли бўлмаслиги мумкин.



## ЗИЛЗИЛА АСОРАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

**Япония ҳукумати мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудида 2011 йилнинг март ойида юз берган кучли зилзила ва цунами келтирган вайронгарчиликларни қайта тиклаш мақсадларига яқин беш йил давомида 6 триллион иен (20 миллиард долларга яқин) маблағ ажратмоқчи.**



Киодо ахборот агентлигининг шу ҳақда маълум қилишича, Япония ҳукумати мамлакатнинг ушбу қисмини қайта тиклаш ишларига ҳаммаси бўлиб 30 триллион иен сарфлайди. Ҳукуматнинг мўлжалига кўра, ушбу қўшимча молиялаш мамлакатда солиқларни оширишни талаб қилмайди ва доимий бюджет томонидан таъминланади. Маблағларнинг асосий қисми табиий офатдан кўпроқ зарар кўрган префектураларда асосан уй-жой қурилишига йўналтирилади.

Маълумот учун таъкидлаш жоизки, 2011 йилдаги 9 магнитуда куч билан рўй берган зилзила ва у келтирган цунами зарбаси оқибатида 18 минг киши ҳаётдан кўз юмди, 350 мингдан зиёд киши бошпанасидан айрилди ва яна 600 минг киши ўзга жойларга эвакуация қилинди. Ушбу ҳудудларда ҳамон кенг кўламда тиклаш ишлари давом этмоқда. Умуман, табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларини 2021 йилгача давом эттириш мўлжалланган.

## ШУБҲАЛИ АВТОМОБИЛЬ ВА ЁНҒИН

**АҚШ махфий хизмати тарқатган хабарда айтилишича, Оқ уй олдида қолдирилган шубҳали автомобилдан ҳеч қандай хавфли буюм топилмади.**

Ушбу маҳкама вакили Брайан Лири айтдики, "сапёр ит" президент қароргоҳи яқинидаги автомобилга эътибор қаратди. Бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари автомобилни тинтув қилишиб, ҳеч нарса топишолмади. Шу куни эрталаб президент қароргоҳидан узоқ бўлмаган совғалар дўконида ёнғин чиқди ва Оқ уй ҳудудида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ўт ўчирувчилар ёнғинни тез бартараф этдилар. Энди полиция ёнғин сабабларини тергов қилмоқда. Бироқ, шубҳали автомобиль билан ёнғин чиқиши ўртасида қандай алоқа борлиги хусусида ҳеч нарса дейилмади. Ўша куни президент Барак Обама рафиқаси билан Алабама штатига вертолётда учиб кетишни режалаган эди. Юқоридаги воқеалар сабабли учиш 50 дақиқага кечикди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Кўргазма

# ОРЗУЛАР РЎЁБИ



**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида рангтасвирчи, театр ва кино рассоми, республика дизайн коллежи катта ўқитувчиси Мусаввар Ўлмасованинг "Орзулар рўёби" деб номланган кўргазмаси очилди.**

Рассомнинг вернисажга қўйилган 60 та асарларида мамлакатимиз табиатининг гўзал манзаралари, боғлари, турли-туман гуллари, йил фасллари, қадриятларимизни эслатувчи тураржой ва кўчалар акс этган. Кўргазмадаги Тошкент вилоятининг гўзал манзаралари акс этган "Бурчмулла қишлоғи", "Кайфият. Чирчиқ", бир-бирини тўлдирган "Чорвоқ", "Хумсон" асарлари бу ерга келган томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Рассом М. Ўлмасова П. Беньков номли республика рассомлик билим юртида, Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олган. "Ўзбекфильм" киностудиясида фаолият кўрсатган. Бир қанча фильмларда рассом сифатида қатнашган. Асосан натюрморт ва манзара жанрида ижод қилиб, юртимиз табиати гўзаллигини, у инъом этган ноз-неъматларни мадҳ этувчи асарлар яратади.

Асарлари кўплаб хориж ва мамлакатимиз мухлислари коллекцияларида сақланади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Ҳаёт сабоқлари

# УЗОҚДАГИ ҚУЙРУҚ...

Шавкат Иброҳим отанинг ёлғиз ўғли эди. Мактабдан сўнг тракторчиликка ўқиб, хўжаликда ишлай бошлади. Топиш-тутиши ёмон эмасди.

– Қачонгача тракторни тариллатиб, қора мойга беланиб юрасан, – деб қолди бир куни синфдош ўртоғи Собит. – Ҳозир ҳамма топиш-тутишингга қараб мулозамат қилади. Яқинда Россияга ишлагани бораман. Сени ҳам олиб кетишим мумкин.

Табиатан содда Шавкат дўстининг бу гапини ишонмайроқ қабул қилди:

– Ўзга юртларга кетаяпман дегин. Ўзимизда ҳам иш кўп-ку.

– Биз бошқаларга ўхшаб у ерларга бориб қурилишда эзилиб ишламаймиз. Яхши бир танишим бор, савдо-сотиқ билан шуғулланади. Яқинда телефон қилди. Ҳаракат қилсак, бир-икки йил ичида машинали бўлиб қайтамиз. Хоҳласанг, уйжойингни яхшилаб олишинг мумкин.

Собитнинг таклифи Шавкатни ўйлантириб қўйди. Нима қилсин? Ҳар қалай ёшликдан дўсти, уни алдамас. Ахир танишим бор деяпти-ку?!

Бир куни нонушта вақтида у отасига гапнинг учини чиқарди. Яккаю ёлғиз ўғлининг бу гапи отани чўчитиб юборди.

– Ўғлим, кунимиз яхши ўтиб турибди. Гулдек хотининг, икки фарзандинг олдингда, ҳадемай ёнингга киришади. Озгина жамғармам бор, мол-ҳол, боғ-роғ қилсак, турмушимиз янада яхши бўлади.

Лекин Шавкат фикридан қайтмади. Вақт оралатиб Собит уларникига яна келди:

– Қариб қолган ота-онанг нимани ҳам билишарди. Уларга ўша шаҳарда бир бойвачча танишим борлигини яхшилаб тушунтир. Бир ҳафтадан кейин жўнайман. Борсанг, ҳаракатингни қил.

Хуллас, Шавкат мўмай пул илинжида Собит билан жўнаб кетди. Каттагина шаҳарда ҳақиқатан ҳам Собитнинг дўстлари, таниш-билишлари кўп экан.



Бошланишида у ёймачилик билан шуғулланиб, майда-чуйда нарсалар сотиб юрди. Тушум ҳам ёмон эмасди. Бироқ қаҳратон қишнинг совуғи жонидан ўтиб кетди. Уйдагиларни соғина бошлади. Лекин уйга мўмай пул ишлаб қайтиш илинжи унга тинчлик бермасди.

Кўп ўтмай, ўзи тенги маҳаллий ёшларнинг муомаласи уни ташвишга сола бошлади.

– Оббо, жиннивой-ей, тижорат шунақа бўлада, дўстим, – деди Собит буни эшитиб. – Ким сенга еб турган нарсасини қўшқўллаб тутқазиб қўяркан. Менда ҳам дастлаб шундай бўлган. Бора-бора ҳаммаси билан чиқишиб кетдим.

Дўстининг бу гапидан Шавкат бироз дадиллашди, ишини давом эттирди. Кўп ўтмай, ҳамёни ҳам қаппайиб қолди. Бу орада "дўля"чи йигитлар бир неча бор келишиб, Шавкатдан пул олиб кетишди. Аммо бу тез-тез такрорланавергач, пичоқ суякка тақалди: "Совуқда туриб, бола-чақам учун ишлаётган бўлсам, борбудимни шилиб олишаяпти-ку. Буларга қаттиқ турмасам, хонавайрон қилишлари ҳеч гап эмас".

Маҳаллий йигитлар яна келишганда, буни рўй-рост айтди. "Дўля"чиларнинг ёши каттаси мазах қилиб:

– Агар бу ерда савдо қилишни хоҳласанг, биз билан ҳисоблашасан, – деди.

– Энди бир тийин ҳам ололмайсанлар, – деди Шавкатнинг ҳам қайсарлиги тутиб.

Бўйи пастроғи ўртага тушиб, уларни тинчлантирган бўлди:

– Нима кераги бор уриш-жанжални. Юринглар, бир чеккага чиқайлик, гаплашиб оламиз.

Бозор орқасидаги майдонга чиқишгач, учовлашиб Шавкатга ташланишди. Уни роса калтаклашиб, ғойиб бўлишди.

Шавкат шифохонага тушди. Аҳволи оғир эди. Қовурғалари синган, афту башараси таниб бўлмайдиган аҳволда. Собит ундан хабар олиб турди. Шавкатнинг топган-тутгани дори-дармонга кетди. Касалхонадан чиқиши олдидан Собит:

– Ўртоқ кечирасан-у, сендан тижоратчи чиқмас экан, – деди. – Бир маслаҳат, дўстлигимиз ҳурмати, ёнимдан поездга чипта олиб бераман. Уйга қайт.

Бу гапни эшитиб, Шавкат ўйланиб қолди. Уйга қандай кетади, ёнида сариқ чақаси бўлмаса? Аммо аҳвол баттарлашиб кетишини ўйлаб, қайтишга аҳд қилди.

Бўлиб ўтган воқеани эшитиб Иброҳим ота чуқур уҳ тортди:

– Худо бир асрабди, ўғлим. Энди буёғига маҳкам бўл. Авлодимизни ер боққан. Деҳқончилик азалдан бизларга бахт-иқбол келтирган. Шуни унутма. Яратгандан ботмон эмас, барака тила.

Отасининг гапини эшитиб, Шавкатнинг боши эгилди.

**Неъмат РАФИҚОВ.**

Шунақаси ҳам бўлади...

## *Қизча арслонлар ҳимоясида*

Бу воқеа 2005 йилда содир бўлганди. Ўшанда ғойиб бўлган кениялик 12 ёшли қизча бир ҳафтадан бери қидирилаётган эди. Уни зўрлаб турмушга узатиш учун ёлланган ўғрилар ўғирлаб кетишганди. Етти кундан сўнг қизча уч арслон орасида пайдо бўлди. Бу қандай содир бўлгани ноаён, фақат шу маълум эдики, гаровдаги қизалоқ тутқунликдан кўра йиртқичлар орасида ўзини эркин тутаётганди. Кейинчалик аниқлик киритилишича, йиртқичлар ўрмон оралаб бораётган одам ўғриларига дуч келишгач, қароқчилар қизалоқни қолдириб, орқаларига қарамай қочишган. Арслонлар қизалоқнинг кўзёшларини кўриб, юрагида раҳм-шафқат уйғонган бўлса ажаб эмас. Ёввойи ҳайвонлар орасида бир кун ҳимояда бўлган қизча полициячилар келишгач, ўз оиласига қайтган.



## *Горилла 3 ёшли болани қутқарди*

Барчага маълумки, ҳайвонот боғида ёввойи ҳайвонлар чегараланган махсус "хона"ларда сақланади. Улар ўз ҳудудларини бошқалардан қизғаниб, содиқлик билан асрайдилар, биров яқинлашгудек бўлса, ғазаб отига минишади.

1996 йил 18 августда Брукфилд шаҳридаги (Иллинойс, АҚШ) ҳайвонот боғидаги маймунлар сақланадиган "хона"лардан бирига тепадан бехосдан уч ёшли бола йиқилиб тушади. Болакай бошидан қаттиқ жароҳат олиб, шу заҳоти ҳушини йўқотади. У қутқарилиб, тиббий ёрдам берилгунга қадар вақт чўзилиши мумкин эди. Бироқ мўъжиза юз беради. Бинти-Жуа исмли горилла ҳушсиз ётган болакайни ердан оҳиста кўтариб, махсус ўрнатилган "нарвон" орқали тепадаги чегара темир тўсинларига яқинлашади ва уни одамларга узатади. Полиция ва ҳайвонот боғи ишчилари агар маймун ёрдам бермаганида болакайнинг аҳволи оғирлашиши мумкинлигини таъкидлашади.



## *Кит ва чўкаётган дайвер*

Бу воқеа Хитойнинг Харбин шаҳридаги Polarland аквариумида, дайверлар мусобақаси ўтказилаётган пайтда содир бўлганди. Иштирокчилар аквалангсиз олти метр чуқурликдаги китлар сузаётган бассейнга (муз ҳароратидаги сувда) етиб олишлари керак эди. Қатнашувчилардан бири 26 ёшли Янг Юн маррага кам масофа қолганда бирдан оёқ томирлари тортишиб, ҳаракатдан тўхтайди. Сониялар ўтиб, чўка бошлайди. Ўлим ҳолати кузатилаётганини сезган оқ рангли кит Мила дарҳол ёрдамга келади. У Янг Юннинг оёғидан тишлаб, тепага кўтарилади. Шу тариқа Янг ўлим чангалидан қутулади.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2342. Адади 16011. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.